



МАДАНИЯТ

№18 (100) 11.06.2020 йил

» Янги қарор лойиҳаси

Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг асосий вазифалари белгиланади



Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти фаолияти ташкил этилади.

Президентнинг "Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси эълон қилинди.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг Ўзбек мақом санъати факультети ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари негизида мақом ижрочилиги, халқ мусиқаси йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи Маданият вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаси шаклида Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилади.

Куйдагилар институтининг асосий вазифалари этиб белгиланади:

Ўзбекистонда мақом, халқ мусиқаси, бахшичилик ва катта ашула ижрочилигини янада ривожлантириш, бу борада шаклланган ижро ва ижодий мактаблар ва анъаналарни, буюк бастакорлар, хофиз ва созандалар меросини чуқур илмий асосда ўрганиш ва қайта тиклаш;

мумтоз мусиқа меросимиз намуналарини нотага олиш, мавжуд ёзувлари такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш, мақом санъатининг ижтимо-

ий-тарихий илдизлари, илмий-назарий негизлари, миллий ва умумбашарий кадрлар билан боғлиқ жиҳатларни юртимиз олимлари ва чет эллик мутахассислар иштирокида чуқур ўрганиш;

Ўзбек миллий мусиқа санъати йўналишида кадрлар тайёрлаш жараёнига соҳанинг етук ва малакали мутахассисларини жалб этиш орқали илм-фан ва таълимнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш;

Ўзбек миллий мусиқа санъати бўйича юқори малакали бакалавр ва магистрларни, шунингдек, ушбу соҳада чуқур илмий тадқиқотлар олиб борувчи илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш;

илмий тадқиқотлар натижалари бўйича маънавий-маърифий ва илмий-оммабоп адабиётларни яратиш ва нашр қилиш;

Ўзбек миллий мусиқа санъати бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ва тартиб қилиш, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, илмий-ижодий фаолиятни янада ривожлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий-ижодий фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтисодий талаба-ёшларни миллий мусиқа санъати бўйича илмий-ижодий фаолият билан

шўғулланишлари учун кенг имкониятлар яратиш.

Куйдагилар:

2020/2021 ўқув йили учун қабул квотаси тегишли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти учун ажратилган квоталар доирасида белгиланади;

2020/2021 ўқув йили учун қабул жараёни тегишли йўналишлар бўйича Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида амалга оширилади;

2021/2022 ўқув йилидан институтига қабул ҳар йили белгиланадиган Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Мирзо Улугбек туманидаги Мустақиллик шох кўчаси, 31-уйда жойлашган Ўзбекистон давлат консерваториясига тегишли бўлган биони ўрнатилган тартибда Институтига берилишини таъминлайди.


Ушбу сонда

Тарбияда таътил бўлмайди



3-саҳифада »

“Ақлли” телефонлар ақл “ўғриси” ми?



4-саҳифада »

“Ўз юртимнинг саҳнасини соғингандим...”

5-саҳифада »

Тўртта вилоятда кўғирчоқ театрлари ташкил этилади



Навоий, Наманган, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида кўғирчоқ театрлари ташкил этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг "Навоий, Наманган, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида кўғирчоқ театрларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси эълон қилинди.

2021 йил 1 мартдан бошлаб Навоий, Наманган, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида кўғирчоқ театрлари давлат муассасаси шаклида ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда кўғирчоқ театрлари биноларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун талаб этиладиган маблағларни 2020 йил Инвестиция дастури доирасида марказлаштирилган капитал қўйилма маблағларини қайта тақсимлаш ҳисобидан

йўналтиради;

икки ой муддатда Навоий, Наманган, Сирдарё, Қашқадарё, Хоразм ва Тошкент вилоятлари кўғирчоқ театрлари биноларини қуриш ва замонавий ускуналар билан жиҳозлашни Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилга мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиш юзасидан тегишли тақлифларни ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда қиритади.

Белгилаб қўйишлича:

кўғирчоқ театрлари фаолиятини молиялаштириш Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат театрлари ва концерт-томоса муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 18 апрелдаги 329-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади;

Давоми 2-саҳифада »

» Янги кўрик танлов



“Улуғимсан – Ватаним”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Улуғимсан – Ватаним!" республика янги кўшиқлар кўрик-танловини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси эълон қилинди.

У телелойиҳа шаклида ўтказилади.

Давлат раҳбари томонидан маданият ва санъат соҳаси вакилларининг "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови негизида "Улуғимсан – Ватаним!" республика янги кўшиқлар кўрик-танловини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилди.

Мазкур танловни ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита, Ижодий-ишчи гуруҳи таркиблари, танлов Низоми тасдиқланди.

Куйдагилар Ташкилий қўмитанинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий ҳамда ижодий ишларни мувофиқлаштириш;

- танловни замонавий технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда телелойиҳа шаклида, юқори бадиий савияда ўтказиш учун барча чора-тадбирларни амалга ошириш;

- тажрибали режиссёрлар, таниқли санъаткорлар, композиторлар, бастакорлар, шоирлар ва бошқа малакали мутахассисларни жалб этиш;

- санъат оламига кириб келаётган истеъдодли ёшлар томонидан ижро этилган миллий гуруҳ ва сadoқат туйғуларини камол топтириш, осойишталик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни тарғиб этувчи янги кўшиқлари билан иштирок этишига алоҳида эътибор қаратиш.

Давоми 2-саҳифада »

<p>Донолар сузлайди... » !</p>	<p>Ақлга илм бирла бергил кўмак, Ақл – бу илмга харидор демак. Носир Хусрав</p>	<p>Бахтли ёшлар сира гурур этмагай, Қарилар сузидан узоқ кетмагай. Саъдий Шерозий</p>	<p>Шарм-ҳаёдан яхшироқ безак йўқ. Сукрот</p>	<p>Кўнгли оғоҳ кимсани давлатли бил. Жалопиддин Румий</p>
------------------------------------	---	---	--	---

Ташриф

Маданият вазири Фарғонада

Жорий йилнинг 6 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбеков Фарғона вилоятида бўлиб, ҳудуддаги Маданият маркази биносига олиб борилаётган қизғин таъмирлаш ишлари билан яқиндан танишиди ҳамда ҳар бир жараёни синчиклаб кўздан кечирди.

Маданият вазири, шунингдек, марказда фаолият юритаётган раҳбар-ҳодимлар билан суҳбатлашиб, соҳада учраётган муаммолар, уларни қийнаётган масалалар ҳақида сўради. Самиий мулоқот руҳида ўтган суҳбатда мавжуд камчиликлар ечими бўйича ўзаро фикрлар алмашилиб, таклифлар тингланди.



Маданият вазирлиги муносабати



Маданият ва санъатга чеклов қўйилса...

Ижтимоий тармоқда ИИВ ЙҲХББ Ахборот хизмати томонидан "Ҳазилнинг таги "зил" бўлмасди" номи остида видео тарқалди. Унда "Шўрданак" ва "Қалпоқ" ҳажвий гуруҳларининг ИИВ ходимлари ҳақида қилинган юмористик роликлар учун кечирим сўрагани акс этган. Бу ижтимоий тармоқларда оммалашиб, турли норозиликларга сабаб бўлди. Ҳатто Маданият вазирлигига ҳам "Сўз усталари худди ёмон иш қилиб қўйгандек, бошини ҳам қилиб узг сўраяпти. Агар кимингидир шахсиятига тегишган бўлса, ИИВ судга берсин. Улар ўз ишини қилган! Юмор қилди, куддирди. Энди, "Браз" ҳажмида аския қилманг!", деб. Вазирлик комиссия тузиб ўргансин. Ахир ҳар икки саҳна асари бадиий тўқима-хў? Хулосасини ИИВ-га берсин! Маданият вазирдан жўли жавоб кутамиз" каби муражаатлар очик қўйилди.

олиб чиқиб, уни ҳал қилишга қаратилган мавзуларга ўқшади. Шундай экан, нима учун бу ҳазиллар ўринли қабул қилинмади? Агар ҳажвия бирор шахсга тегишли бўлиб, унинг камситилишига қаратилса, Маданият вазирлиги бундай ижодларни қўллаб-қувватламайди. Лекин ҳажвия, драма, аския ҳамда сатира мавзуси жамиятдаги иллатларнинг даволашга қаратилган бўлса, уни ҳеч ким йўқ қилолмайди. Шу ўринда ўзбек ҳажвий адабиётининг сермазун тарихига бир назар солсак. Ҳажв, сатира – воқеликни акс эттиришнинг алоҳида гоёвий-бадиий тамойилли сифатида барча цивилизациялашган халқлар адабиёти, жумладан, ўзбек халқининг озғаси ва ёзма ижодида ҳам қадимдан катта ўрин тутган. Ижтимоий иллатларнинг кудлиги танқиди бўлган сатира ўзбек халқ ижодида ҳам кенг тарқалган эди. Насриддин афанди, Алдар кўса каби тўқима образлар, миллий қаҳрамонлар ўз замонасининг иллатларини халқ орасида аския ва ҳажвиялар билан намоиш этишган. Қадимдан халқ орасида ҳажвия, сатира, аския каби юмористик ижодлар кенг тарқалиб, оммалашган. Хўласа, маданият ва санъат соҳасига чекловлар қўйилса, у ҳеч қачон ривожланмайди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ахборот хизмати

Ташкилий масала

"Ўзбекконцерт" давлат муассасасида навбатдан ташқари йиғилиш

Куни кеча "Ўзбекконцерт" давлат муассасасида навбатдан ташқари йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбеков ҳам қатнашди. Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. 2017 йилдан буён Муассасага раҳбарлик қилиб келган Одилжон Абдуқаҳҳоров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан унинг ўрнига Ижодий масалалар бўйича ўринбосари лавозимда ишлаб келган Алишер Джамалдинов вақтинча директор вазифасини бажарувчи этиб тайинланди. Джамалдинов Алишер Худайбердиевич 1975 йилда туғилган. Маълумоти олий. 1999 йилда Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг шарқ мусиқаси факультетини тамомлаган. Меҳнат фаолияти давомида 2013 - 2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида бир қанча масъул лавозимларда фаолият юритган, хусусан, Концерт-томоша муассасаларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи вазифасида фидокорона меҳнат қилган. 2018 йилдан бошлаб аса "Ўзбекконцерт"



давлат муассасасида Ижодий масалалар бўйича директор ўринбосари лавозимда ишлаб келаётган. "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси жамоаси Одилжон Абдуқаҳҳоровнинг самарали раҳбарлик фаолияти учун миннатдорчилик билдиради ҳамда келгусидаги ишларига муваффақиятлар тилайди. Ўз навбатида Алишер Джамалдиновга ҳам бундан кейинги фаолиятида зафарлар ёр бўлишини тилаб қолади. "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси

Давоми. Боши 1-саҳифада

Тўртта вилоятда кўғирчоқ театрлари ташкил этилади

кўғирчоқ театрлари учун янгидан қуриладиган бинолар лойиҳа-смета ҳужжатларининг ишлаб чиқиши ҳамда қурилиш-монтаж ишлари Ўзбек миллий кўғирчоқ театрининг хулосаси асосида амалга оширилади; кўғирчоқ театрлари учун янгидан қуриладиган бинолар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишида бинонинг атрофида болалар учун "болалар шаҳарчаси" ни барпо этиш назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Навоий, Наманган, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бажариш жараёнида таширф буюрувчилар, хусусан, имконияти чекланган шахслар учун қулай шарт-шароит яратиш, туристларга хизмат кўрсатишни ривожлантириш, замонавий архитектура-режалаштириш, дизайн ва ландшафт ечимларига эътибор қаратган ҳолда ҳар бир театр биноси эскиз-лоийҳасини театрининг йўналиши ва мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши, шунингдек, театрлар бинолари эскиз-лоийҳасини тайёрлаш жараёнига театр соҳасидаги малакали мутахассисларнинг жалб қилинишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

кўғирчоқ театрлари уставининг ишлаб чиқишини ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини; кўғирчоқ театрларини малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда самарали фаолият юритишини ташкил этишини; республика ва хорижий театрларнинг малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда театрлар ижодкорларига режиссура ва актёрлик маҳорати ҳамда сахна ҳаракати ва сахна нутқи бўйича махсус маҳорат дарслари ўтказилишини; янги ташкил этилаётган театрларга тажрибали актёрларни жалб қилган ҳолда, иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларда артистик қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган гуғраакларни ташкил этишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси билан биргаликда: ҳудудларда ташкил этилаётган театрлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда келгуси ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтидаги Актёрлик санъати (кўғирчоқ театр актёрлиги) ва Режиссёрлик (кўғирчоқ театр режис-

сёрлиги) йўналишларига қабул квотасини кўпайтиришни; кўғирчоқ театрларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида шафдофлик ва адолат тамойиллари асосида кўғирчоқ театри режиссёрлиги, актёрлиги ва драматургия йўналиши бўйича махсус сиртки бўлимларни ташкил қилишни; Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида "Кўғирчоқ театри рассоми" бўлимини очиб бўйича Вазирлар Маҳкамасига уч ой муддатда таклиф киритади.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги болаларда Ватанга мухабабат туйғусини, оилага, ўз халқининг миллий, тарихий, маданий қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, болаларнинг театр санъати орқали тарбиялаш, болаларнинг шахсини шакллантириш, унинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар мактабгача таълим ташкилотларини белгиланган меъёрларга асосан "Стол театри", "Соя театри" ва "Бармоқ театри" ҳамда миллий эртақ қаҳрамонлари билан жиҳозланганини тўқ таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси билан ҳамкорликда ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этувчи бадиий-гоёвий баркамол ва замонавий кўғирчоқ пьесаларини яратиш учун саҳна асарлари танловини ўтказиши; Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда театрларга болалар ва ёшларни жалб этиш, уларни кўғирчоқ театри санъатига бўлган қизиқишларини янада ошириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта таълим муассасалари ва республикадаги мавжуд кўғирчоқ театрлари ўртасида ҳамкорлик шартномаларини тасдиқлаш ва ҳамкорлик ишларининг йўлга қўйилишини таъминлайди; барча давлат кўғирчоқ театрларининг фаолият самарадорлигини ошириш ҳамда мақсадли вазифаларга эришиш мақсадида давлат кўғирчоқ театрларида тарихий мавзудаги спектакллари сахналаштиришни 2021 йилда 20 тадан 50 тага, миллий замонавий мавзудаги спектакллари 70 тадан 90 тага, 2022 йилда 50 тадан 40 тага, 90 тадан 105 тага етказиш чораларини кўради. Ўзбекистон Республикаси Маданият

вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси билан биргаликда:

кўғирчоқ театрларининг репертуарини тўлақонли шакллантириш, кўғирчоқ театри драматургиясини ривожлантириш, режиссёрлик ва актёрлик маҳоратини ошириш, кўғирчоқ усталарини тайёрлаш тизимини яратиш мақсадида 2021 йил 1 февралга қадар Ўзбек миллий кўғирчоқ театри қошида "Кўғирчоқ театри" студиясини ташкил этиш; "Кўғирчоқ театри" студиясининг Низомини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш; "Кўғирчоқ театри" студияси фаолиятини йўлга қўйиш ва машғулотларни олиб бориш учун драматурглар, малакали режиссёр ва актёрлар, кўғирчоқ усталари ҳамда профессор-ўқитувчиларни жалб этиш ишларини таъминлайди.

Белгиланишича:

2021 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Кўғирчоқ театри санъати ва бошқа тегишли йўналишни талбаларининг амалиёт машғулотлари Ўзбек миллий кўғирчоқ театрида ўтказилади;

республикадаги кўғирчоқ театрлари ижодкорларининг маҳоратини ошириш ва янгидан ташкил этилаётган кўғирчоқ театрлари учун мутахассисларни амалий тайёрлаш ишлари "Кўғирчоқ театри" студиясида шартнома асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда янги ташкил этиладиган давлат театрларида замонавий ахборот коммуникация тизимларини жорий этади.

Бунда қуйидагилар назарда тутилди:

- а) билетларнинг интернет орқали ёки театр ҳудудида ўрнатилган махсус автоматлардан электрон шаклда (QR-кодди) сотувини амалга ошириш; б) театрилари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ягона электрон ахборот тизимига уланган видеокузатув камералар ва автоматик тизимлар (турникетлар) билан жиҳозлаш; в) театрлар фаолиятига оид маълумотлар (репертуар, артистлар ва х.к.), сахналаштирилган асарлардан видеороликлар ва расмлар жойлаштирилган интернет сайтига ишга тушириш; г) таширф буюрувчилар учун бепул Wi-Fi хизматини жорий этиш.

Давоми. Боши 1-саҳифада

"Улуғимсан – Ватаним"

Белгилаб қўйилишича, танловнинг саралаш ҳамда якуний босқичини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар, танлов бўлиб ўтаётган жойини махсус лойиҳа асосида бадиий бешаш ишларини амалга ошириш ҳамда танлов голубларини пул муқофолари билан тақдирлаш, ҳайъат ва саралаш комиссияси аъзоларининг хизмат ҳақлари Маданият вазирлигининг маданий таъбирларни ўтказиш учун ҳар йили назарда тутилган бюджет маблағлари доирасида амал-

га оширилади. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги: танловнинг веб-сайтини яратиш ва танлов иштирокчиларининг барча ҳужжатларини сайт орқали расмийлаштириш; маъмур танлов логотипини ҳамда совриндорларга топшириладиган диплом, сертификат ва статуетка намуналарини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; танловни юқори бадиий савияда

ўтказиш, тантанали очилиш ва ғолибларни тақдирлаш маросимларини ташкил этиш вазифалари юклатилади. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда маъмур қарорини мазмуну ва аҳамиятини кенг ёритиш ҳамда танловнинг замонавий ёндашув асосида телелойиҳа шаклида ўтказилишини ташкил этади.

Халқаро танлов

Ғолибларни қутлаймиз!




Жорий йилнинг 4 – 6 июнь кунлари Париж шаҳрида бўлиб ўтган «FOLKLORE COMPETITION IN PARI» он-лайн Халқаро кўрик танловиди Бухоро вилояти Вобкент тумани 8-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчи ҳамда ўқувчилари учта йўналишда қатнашиб,

битта Гранд-при, иккита 1-ўрин, битта 2-ўрин, битта 3-ўрин ҳамда дипломлар соҳиби бўлишди.

Жумладан, Мухриддин Бақоев (Тасвирий санъат фани ўқитувчиси) – Гранд-при соҳиби, Шамси Эргашев (4-синф ўқувчиси, академик вокал) – 1-ўрин, Нигина Наи-

мова (7-синф ўқувчиси, фортепиано) – 1-ўрин, Азиза Раупова (4-синф ўқувчиси, тасвирий санъат) – 2-ўрин, Ясмина Рўзиева (3-синф ўқувчиси, фортепиано) – 3-ўрин, Марҳабо Эргашева (академик вокал ўқитувчиси) – махсус диплом билан тақдирландилар.

Муносабат



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданият-ни янада ривожлантириш” Концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорининг мантиқий давоми бўлиб, унда музейлар фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан бир қатор вазифалар белгиланган.

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ – ЮТУҚЛАРИМИЗ ГАРОВИ

Мазкур ҳужжатлар давлатимиздаги барча музейлар фаолиятини илмий-тадқиқот ва методик жиҳатдан мувофиқлаштиришга, уларнинг ушбу йўналишдаги ўзaro ҳамкорлигини таъминлашга, кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда уларда музейшунослик, санъатшунослик, маданиятшунослик йўналишларидаги ихтисослаштирилган илмий ва илмий методик кенгашларнинг ташкил этилишига, музейларни салоҳиятли кадрлар билан таъминлаб, улар ўртасидаги ҳамкорликни тизимли йўлга қўйишга, фаолиятини янада ривожлантириш ва бунданда юқори босқичларга олиб чиқишга хизмат қилади.

Янги Фармонга кўра, 2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъатни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар доирасида “Ичан-қалъа” давлат музей-кўриқхонасида қуйидагилар белгилаб олинди:

- Тўртта янги: “Хоразмшоҳлар”, “Қадимги Хоразм тарихи”, “Хоразм давлати хонлари” ва “Мажлис – Ал-Уламо” доимий экспозицияларини яратишни аяқуллаш;
- музей-кўриқхона фондида мавжуд бўлган музей ашёлари ва коллекцияларининг электрон каталогини яратиш ишларини янада жадаллаштириш (бугунги кунда музей-кўриқхонада мавжуд 39 699 дан зиёд экспонатларнинг 26 700 таси (67%) электрон каталогга киритилди);

- бугунги кунда музей-кўриқхона тасарруфига ўтказилган объектларнинг яқиний рўйхати шакллантирилган бўлиб, у “Ичан-қалъа” худудидаги 56 та маданий мерос объектларини ўз ичига олади. Мазкур объектларни ўз тасарруфига қабул қилиш ишлари тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, якунига етказилди;

- аҳолининг кенг қатлами, шунингдек, ўқувчи-ёшлар орасида давлат музейларида сақланаётган миллий, моддий маданий мерос бойликлари, жумладан, археологик, амалий санъат, нумизматика, хатотлик каби экспонатларнинг фото ва кўчма кўргазмалари борасида тарғибот тадбирларини ташкил

этиш бўйича ҳам қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, экспозициялар, “Ичан-қалъа”даги маданий мерос обидалари, Хоразм давлати хонлари, олим ва алломалари тўғрисида “Smart” дастурлар яратилди;

Шу билан бирга жорий йил якунига қадр музей-кўриқхонадаги барча (19) экспозицияларнинг уч (ўзбек, рус ва инглиз) тилдаги 30 – 40 дақиқалик аудиовизуал форматларини шакллантириш ишлари режаси ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, Wi-Fi худудлари яратиш борасида “Интерактив тизим” фирмаси билан келишув ишлари якунига етмоқда;

- электрон йўл кўрсаткич ва мобил илов ва қилиш, шунингдек, ноёб экспонатларнинг 3D кўринишини ишлаш ҳамда сайтга жойлаш режалаштирилмоқда;

- Хива хонлари зарбхонаси негизида ташриф буюрувчиларга совға (сувенир) танга зарб қилишни ва сотишни ташкил қилиш галдаги вазифалар қаторидан ўрин олган.

Бу музейлар фаолиятини маданият технологияларини кенг жорий этиш ишларининг мантиқий давоми ҳисобланиб, мазкур материаллар келажакда музей-кўриқхона томонидан давлат ва нодавлат муассасаларида ўтказиладиган кўчма кўргазмаларни юқори савияда ташкиллаштиришга хизмат қилиши баробарида ташриф буюрувчилар сони ошишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг мазкур Фармони маданият ва санъат соҳаси ходимлари учун катта эътибор ва ғамхўрлик ифодаси бўлди. Шу билан бирга зиммасизга улкан масъулият ҳам юклади.

Бу ёғига ана шу масъулиятни чуқур хис қилган ҳолда музейлар фаолиятини янада тақомиллаштириш, тизимга энг илғор ва замонавий технологиялар, инновацион гояларни жорий қилган ҳолда хизмат сифатини юксак даражага кўтариш эзу мақсадимиздир. Бу борада юқоридаги Фармон ва қарорлар дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ш.Матяқубов,
“Ичан-қалъа” давлат музей-кўриқхонаси директори

Мулоҳаза

Тарбияда таътил бўлмайди

Бугунгача инсониятга қолдирилган “Етти мўъжиза”ни деярли ҳамма билади. Бироқ дунёда расмий эътироф этилмаган яна бир мўъжиза ҳам борки, у азалдан қалбларни ажиб ҳисларга ҳамроҳ этиб келади. Бу шундай бир оламки, унда эзгулик, яхшилик, инсонийлик, меҳр-муҳаббат улуғланади. Ҳа, англаганингиздек, бу – китоб.

Роҳатланиб эшитадиган сузюк қўшиқчиси бўлса-да, аммо севиб ўқидиган ёзувчиси йўқ, яхши кўрган сериали бор-у, аммо қайта-қайта ўқиса ҳам жонига тегмайдиган кадрли китоби бўлмаган кишини ана шу мўъжизадан бебаҳра инсонга қийслаш мумкин.

Халқимиз орасида кўп китоб ўқиганни “дунё кўрган”, “савияли одам” деб ҳурматлашади. Негаки мутолаага ошно шахснинг маънавий дунёси ҳам бойида. Лекин одам қайси ёшда нима ни ўқишни ҳам билиши керак. Китобхонлик – бу тўғри келганини сотиб олиб, фақат жавонида сақлаш эмас, балки уларни саралаб, айни дамда энг фойдалисини ўқиш, шу билан бирга, фикрлаш жараёни орқали хулоса қилиш ҳам демакдир. Мутолаа қилишда ҳам ўзига яраша маданият бор. Бошланғич синф ўқитувчиси бўлганим учун болаларни кўп кузатаман. Аксарияти қўлида хали маъносига тушуниб етиши қийин бўлган катта-катта романлар, детектив ҳикояларни кўтариб юришади. Шунда улар ёш танлайдиган бундай асарларни ўқиб тушунишармикан ёки шунчаки мақтанш, ҳурмат учун олиб юришармикан, деб ўйлаб қоламан.



Албатта болаларнинг китобга меҳр қўйгани яхши, бироқ ўз ёшига яраша асар бўлса нур устига нур эди. Негаки мужмаллик одамни зериктиради, жумладан, “вазни оғир” асар мутолааси китобхонни ўқишдан совитиб қўйиши ҳеч гапмас. Шундай экан, жажжи китобсеварларга мос китоб танлашда яқинлар ёрдам бериши зарур. Аввало ота-она бунга бефарқ бўлмалиги лозим. Ахир боланинг китобхонлик маданияти оиладан шаклланади. Агар ота-онанинг ўзи китобга муҳли бўлмаса, фарзандига бу борада қилган панд-насихати фойда бермайди.

Китоб танлашда иккинчи ёрдамчи бу боланинг устозидир. Асарнинг бола ёшига, руҳий ҳолатига мос келишини ҳисобга олиб, 2-синф ўқувчиларига таътил пайтида кўпроқ эрта китоблар, энциклопедиялар ўқишни тавсия қилдим. Чунки мактаб таълимидан ташқари пайтда ҳам боланинг энг яхши овувчоги китоб бўлмоғи керак. Онлайн дарслардан кейин “Таътилда ким кўп китоб ўқийди!” танловини эълон қилдим. Унинг якуни ажойиб натижа беришига аминман.

Инсон табиати шундайки, у доим ғолибликка интилади, шундан лаззатланади ва йўлида давом этади. Албатта, бу жараёнда рағбатни ҳам унутиб қўймаслик керак. Негаки бола қилаётган иши, мутолааси тўғри ва яхши эканини фаҳмлаши лозим. Болага берилган ҳар қандай эътибор – келажакда эришиши мумкин бўлган ютуқларининг дубочаси эканини унутманг.

Эртақларни ўқиш жараёнида ҳар бир бола ўз дунёқарашини бойитиб боради. Унда

ги қаҳрамонларга ҳавас билан қарайди, уларга ўхшашга ҳаракат қилади. Эзгулик ва ёвузлик, меҳнатсеварлик ва дангасалик, ростгўйлик ва ёлгончилик каби бир-бирига қарама-қарши инсоний фазилат ва сифатларни яхшироқ англаб етади.

Таъкидлаш ўринлики, бугун фарзандларимизнинг китобхон бўлишига кино, телевидениедаги турли шоулар, интернет ва бир қатор замонавий тасвирий воситалар ҳалал бераётгандек. Мисол учун, эртақ ўқиш билан уни мультфильм ҳолида томоша қилишни бир-бирига таққослаб бўлмайди. Бу иккаласи бола онгига, тасаввурига икки хил таъсир кўрсатади. Бир қарашда ранг-баранг лавҳаларнинг фойдаси кўпроқдек, чунки мультфильм деса йиғлаб турган боланинг тезда овунушига кўп гувоҳ бўлганмиз. Лекин гарб маданиятини, зуравонлик, қаллакеसरлик, ўғрилиқ каби иллатларни тарғиб этувчи баъзи замонавий мультфильмлар бола руҳиятининг соғлом ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бундай анимацион фильмларнинг доимий муҳлиси бўлган кичкинтойда манманлик, тошбағирлик, ўз манфаатини устун қўйиш, тенгдошлари билан мулоқот қилишда қийналиш, мазмун ва мақсадсиз эркин

ҳаёт кечирishi бўлган кучли хоҳиш каби туйғулар шаклланади.

Фарзандларимизни китобсевар, маънавиятли қилиб тарбиялашда барча масъулият биз катталар – ота-оналар ва ўқитувчилар зиммасида. Тафаккурни теран, дунёқарашни кенг, маърифатли авлод нафақат оила, балки жамиятининг ҳам бойлигидир. Ҳаётда рўй бериб турадиган айрим нохушликларнинг туб илдири китоблардан узоқлашиш, маърифатсизликнинг аччиқ меваси бўлиши мумкин.

Ёш таътил арафасида ота-оналарга айтажак икки оғиз сўзим, фарзандлар келажиги ҳақида фақат ўқиш даврида эмас, балки таътилда ҳам жиддий ўйлан. Уларни ўз қизиқишларидан келиб чиқиб бирор фаолиятга йўналтириш, тарбияланг. Бола мисоли бўш идиш, уни биз катталар тўлдиршимиз зарур. Фарзандларингизни эзгулик, меҳр-муҳаббат, инсоний ҳислатлар мужассам идеал қаҳрамонлар билан таништириб, уларга ҳавас руҳида тарбияланг, йўқса, кичкинтойингиз қаҳрамонини ўзи топиб олади. Унутманг, интеллектнинг ўзи қомиллик учун қамлик қилади. Боланинг суяклари ахлоқ билан қотмас экан, келажакда мўрт жойлари панд бериб қўйиши мумкин! Шундай экан, тарбияда таътил бўлмаслигини унутмайлик, азизлар!

Хулоса қиладиган бўлсак, технологиялар қанчалик тез ривожланмасин, ҳар қандай медиа-ахборот ва мультфильм китобдан олинмаган маънавий озуқа ўрнини тўлдиролмайди.

Муҳаббат Таирова,
Хоразм вилояти, ўқитувчи

Янгилик

Янгийўлдан қадимий қабр топилди



Янгийўл туманининг "Маданият" маҳалласи Бахт кўчаси 35-уйда истиқомат қилувчи С.Абдуғаниева ҳовлисидан ноёб қадимий қабр топилди.

Хонадон эгаси мурожаати асосида Янгийўл тумани ҳокимлиги, туман прокуратураси ва туман ИИБ бўлими, Тошкент вилояти маданий мерос бошқармаси му-

тахассислари ҳамда жамоатчилик вакиллари ҳовлидаги чуқурда қазилма ишларини олиб боришди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати маълумотига кўра, мутахассислар мазкур қадимий топилма миллоддан аввалги III, миллоднинг III-IV асрларига оид Ковунчи маданиятига

тааллуқли эканини қайд этишди. Қабрдан ўша даврда яшаган одамларнинг суяк қолдиқлари (1 та склет), 9 хилдаги турли ҳажм ва шаклдаги сопол буюмлар (1 донаси синиқ ҳолда ҳамда 1 дона аёллар мунчоғи) олинди. Қадимий топилмадан Янгийўл шаҳридаги Усмон Юсуф уй-музейига топширилди.

Долзарб мавзу

Инсониятни янгидан-янги технологиялар тобора ўзига жалб этиб бормоқда. Ҳозирга келиб кундалик ҳаётимизни смартфон, компьютер, планшет, ноутбуклар, интернет, ижтимоий тармоқлар, мобил мессенжерлар сиз тасаввур қилолмайсиз. Телефонни-ку, айтмаса ҳам бўлади, у ёш қарининг, ўсмир, хаттоки боғча болаларининг ҳам ўйинчоғи, овуноғи, "темир" дўстига айланган. Айниқса, бугун "ақлли" телефон деб ном олган смартфонларга бўлган талаб юқори. Чунки у ўз номи билан "ақлли" да! Яқинда бир таншимиз ўз телефонига олган оддий сурати интернет тармоғининг порносайтига чиқиб кетгани ҳақида йиғлаб гапириб берди. Қизимиз, у расми-интернетга ўзи жойламаган. Фақат телеграмдаги қариндошлари гуруҳига юборгани ёдида...

Яна бир ҳолат. Бир куни деразадан қараб турганимда болалар майдончаси ўриндигига ўтириб олган уч ўсмир йигит диққатимни тортиди. Ҳар бирининг қўлида телефон. Яхшилаб кузатсам, телефон тутмаларини шошиб босишар, гоҳ қулар, гоҳ жиддий қиёфага киришарди. Шунчалик берилиб кетганидан олдида юрган кўча итига ҳам эътибор қаратишмади. Онда-сонда ўзаро луқма ташлаб қўйишарди: телефонидидаги расмларни бир-бирига кўрсатишарди, файллар алмашишарди. Кейин улардан бири учаласи ўтирган ҳолатни расмага олиб, ижтимоий тармоққа жойлади, шекилли, кўп ўтмай билдирилган мунчоғазарини овоз чиқариб ўқиб, бор овозлари билан қулишди. Ҳа, бу каби ҳолату ҳаракатлар бугун кўпчиликка таниш бўлса керак. Нима бўпти, дея ажабланишимиз? Хулоса қилишга шоямманг, ҳозирда туну кун ҳамроҳимизга айланган "темир дўстимиз" ҳақиқатан бизга дўстлик қилаётгани ёки душманлик?! Аслида ота-оналар ўз хотиржамлигини ўйлаб ёки болам дўстидан кам бўлмасин, деб олиб бераётган замонавий мобил телефонидан фарзанди оқилона фойдаланишмикин?

"Ақлли" телефонлар ақл ўғрисими?!

» ЭШЛАР РЕАЛ ҲАЁТДАН УЗОҚЛАШМОҚДА...

Феруза Азимова, Республика "Маданият ва марифат" маркази бўлим бошлиғи
Бугунги кунда глобаллашув жараёни тобора кучайиб, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларига етиб бориб, шубҳасиз, ёшларимизни турли ёт гоёлар, ҳар хил ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш тобора мушкуллашмоқда.

Охириг 20 йил давомида компьютерлар, мобил қурилмалар (смартфон, планшет ва бошқа гаджетлар) кундалик ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланиб улгурди. Бу каби замонавий технологиялар айрим ёшларни реал ҳаётдан узоқлаштирмоқда. Дангаса, укувсиз, боқиманда бўлиб қолишга сабаб бўлмоқда. Негаки, улар бўш қолди дегунча ҳар хил ўйин ёки видео ойналарга қўришга шошилиб, вақтдан унумли ва самарали фойдаланишарди. Ёшлик даври оқар сувдек зумда ўтади-кетди. Бу даврда фанларни яхши ўзлаштириб, тил ўрганиб олиш керак. Ахир, ёшликда олинган билим – тошга ўйилган нақш, деб бежизга айтишмаган.

Бугун юртимиз ёшларига берилаётган эътибор ва гамхўрликка дунёнинг ривожланган давлатлари ҳам ҳавасда. Шундай экан, биз ота-оналар бир зум ҳам бе-пароликка берилмай, фарзандларимизда техника воситаларидан фойдаланиш маданиятини шакллантиришимиз, юксалтиришимиз лозим.

Ота-оналарга таътил вақтида болаларнинг имкон қадар смартфон, компьютер ва бошқа мобил қурилмалардан фойдаланиш вақтини чеклаш, интернетдан назорат остида фойдаланишни, кун мобайнида бу ишларга 20 дақиқадан ортиқ вақт сарфламасликларини тавсия этамиз. Бу даврда бўш вақтларни спорт, турли тўғрақарак, китоб ўқиш каби фойдали ишлар билан қоплаш болаларнинг келажакда катта муваффақиятларга эришиши гаровидир.

» СМАРТФОН – СТРЕСС МАНБАИ

Дилшода АБДУЛЛАЕВА, невропатолог
Смартфон, планшет каби матоҳлар кимларнингдир оғирини енгил қилиб, ҳаётга мазмун ва завқ олиб қираётган бўлиши мумкин. Аммо шу қулайликлар соясида зарарини ҳам бериб улгурарди. Улар сабаб инсон руҳиятида ўзгаришлар, психосоматик касалликлар келиб чиқаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Олимларнинг аниқлашича, смартфон ҳозирги кунда асосий стресс манбаларидан бири экан. У орқали қисқа вақт алмашиш дастурлари ("telegram", "whatsapp") инсонларни асабий ҳолатга келтирмоқда. Негаки, кўпчилик ёшларимиз пайтида "Нима учун бундай деди?", "Нега саволимга ҳамон жавоб қайтармапти?" каби фикрлар билан жиги-бийрон бўлар экан.

Ҳа, азизлар, сизга шунчалик азиз ва кераклик бўлиб қолган ўша телефон эшитиш, кўриш, ҳис қилиш, хаттоки, улардан ҳам муҳимроғи мияга салбий таъсир кўрсатишини олимлар аллақачон ўрганиб бўлишган. Ундан тарқалган ултраовулларнинг таъсири ҳам кучли. Компьютерда ишлаш бел ва бўйинга босим тушириши, қондаларга амал қилмаган тақдирда кўриш қобилиятига шундай таъсир кўрсатиши мумкинлигини биламиз, бироқ матн, расм, видео, ўйинларни компьютердан эмас, экранни ундан анча кичкина бўлган қурилма – нетбук, планшет, кўп телефони-дан кўраётганлар янада кўпроқ эътиборга, букилишга ва таъсирни кўзга яқин олиб келишга уринади ҳамда визиятини баггар мураккаблаштиради. Улардан ётган ҳолда фойдаланиш эса кўзга бўлган зарарини оширади, бош оғриғи, уйқу билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

» ТЕЛЕФОНДАН КАСАЛЛИК ЮҚТИРИБ ОЛИШ МУМКИН

Шахноза ЯХҲЕВА, шифокор-терапевт

Ҳар куни киядиган кийимингиз, овқат ейдиган идиш-тововингиз ва турли юмушларни бажарган кўлингизни тез-тез ювиб турасиз. Бироқ кўп телефонингизни-чи? Унга совун ишқалаб бўлмайди, кир машинасига соломмаймиз, хатто нам сочқ билан артиб, бузиб қўйишдан қўрақамиз-ку. Пул билан бир ҳамёнда турган, яна ҳоҳатхонаю ҳаммомгача бирга кириб чиққан телефон, йиллаб ишлатилса-да, тозаланмайди. Шундай экан, у ўзига сингдириб олган кўринмас микроб, бактерия, инфекция ва замбуруғларни узоқ вақт сақлаб, кўпайтириб ва ривожлантириб, қўлоқ, бўйин ҳамда ўз терисига ташийди. Ҳозирда кузатилаётган кўпгина аллергия хасталиклар сабабчиси ҳам ана шу кўп телефон бўлиб қолмоқда.

Тугмасиз телефонларда функциялар экран бўйлаб кўрсаткич бармоқни йўналтириш орқали бажарилади. Бу эса бармоқни зўриқтириб, ўзига хос стрессни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, бармоқ учларида ички аъзоларга жавобгар нуқталар мавжуд, уларга мунтазам равишда радиация босим ўтказилверса, тегишли аъзони зарарлаб қўйиши турган гап.

» БОЛАНГИЗНИНГ ДЎСТИ КИМ: "ТЕМИР ҚЎТИ"МИ ЁКИ СИЗ?

Дилором САДУЛЛАЕВА, психолог

Замонавий технологиялар ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборди, кўп қулайликлар яратилди. Бу – инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Телефон ёшлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши ҳақида кўп гапирилишига қарамай, ёш қарининг, ўсмир, хаттоки боғча болаларининг ҳам қўлидан тушмапти.

Кузатувлар яна шунга кўрсатдики, 10 – 14 ёшгача бўлган болалар кўп телефонларидан кўпроқ мусиқа тинглаш ва ҳар хил қутилга ва қизиқарли лавҳалар томоша қилиш, ўйинлар ўйнашда фойдаланар экан. Уларда телефонга муносабат тақдирчилик, қизиқиш ва ҳавас туғайли юзага келаркан. Бу ёшлар тенгдошларига кўз-кўз қилиш учун ҳам телефони бўлишини исташарди.

15 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар эса кўп телефонларидан кўпроқ дахшатли видео роликларни ҳамда порнографик сурат ҳамда лавҳаларни олиб юришар экан. Уларнинг фикрича, бу шунчаки қизиқиш ҳолос. Улар телефонидидаги бундай маълумотларни бошқаларга ҳам кўрсатиш, тарқатиш мақсадда сақлашни маълум қилишган.

Бугунги ёшларга яқинлари жуда эътиборли бўлиши лозим. Инсонларнинг бири-бири билан ўзаро жонли мулоқоти ўрнини ҳеч бир замонавий техника воситаси босолмаслиги шубҳасиз. Дейлик, кинингиз ёки ўғлингиз ёзингизда бўлса-да, қўлидаги мобил алоқадан узоқ вақт кўз уммапти. Шунда дарров ёнимда ўтирибди-ку, деган фикрнинг айтишига шошилманг. Фарзандингиз билан кўпроқ мулоқот қилинг, унинг дўстига айланинг. Токи бола ёки ўсмир "темир қўти"ни ўзига дўст қилиб олмасин. "Ақлли" телефонидан фақат зарур пайтдагина фойдалансин. Бўш вақтини унга сарфламасин! Агар ота-она болага телефон олиб берган бўлса, албатта унинг назорати билан шугулланиши, телефони хотирасидаги рақамлар, мусиқаю клиплар, SMS хабарлари, видеоларҳалар, фотосуратларгача кўздан кечириб бориши керак.

» ТЕЛЕФОН ҲАЁТДАН УЗОҚЛАШМОҚДА...

Насиба СУЛТОНОВА, Она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Ота-оналаримиз замона зайлига йўйиб фарзандларига кўп вазифали телефонлар олиб беришмоқда. Мактаб ўқувчиси қўлидаги уяли алоқа воситаси уни ўқишдан фақат ва фақат қалғитиши аниқ. Қисқа қилиб айтганда, нотўғри ёндашув туғайли кўп телефони ўқувчилар орасида маданиятсизлик ва ялқовлик тарғиботчисига айланиб қолди. Қолаверса, турли модел ва кўринишларда ишлаб чиқарилаётган бу "матох" ўқувчилар орасида табақаланишни юзага келтирмоқда.

Айримлар ўз телефонларига ёш авлод онгини захарловчи, фаҳшга етакловчи видеоролик ва фотосуратларни ёзиб олаётгани, вақтини беҳад тасвирларни кўришга, инсонни ваҳшийликка қорловчи ўйинлар ўйнашга сарфлаётгани ҳамда интернет орқали халқимизнинг мийг йиллар давомида шаклланган муомала маданиятига пултур етказувчи турли бўлмағур сўзлашув чатларига кириб, кун давомида вақтини шундай фойдасиз нарсаларга сарфлаётганини кўришимиз мумкин.

» «УЯЛИ» ТЕЛЕФОН УЯТГА ҚОЛДИРАПТИМИ?

Ҳа, бугунги фикрлар миллатнинг эртанги кунига берафқ бўлмаган ҳар қандай кишини ўйлантириши турган гап. Мобил алоқа воситаларининг соғлиқ учун зарарлиги бора-бора ҳар ким ўзича хулоса чиқаради, чунки ҳамма ўз соғлиғига ўзи масъул! Аммо уларнинг маънавий кушандасига айланаётгани-чи, бунга қандай қабул қилиш керак?! Айри, маънавий танаазулига бугун миллат жавобгар-ку! Кўча-қўйдан, танишлардан мана шу "матох" туғайли баъзи оилаларнинг барбод бўлаётгани ҳақида эшитиб қоламиз. Масалан, яқинда аммам: "Э, шу телефон ҳам қуриб кетсин! Шунинг касрига қизим икки боласи билан ажрашишга мажбур бўлди", – деб зорланиб қолди. "Унинг телефон рақами кўёвимнинг номида экан. Бир куни компанияга бориб, кириш-чиқиш кўнгиноқларининг ҳаммасини аниқлаштириб, текширибди. Бегона рақамларга бирма-бир телефон қилиб чиқибди. Шунда тўрттастгами эркак киши жавоб берди. Қизим ўзини оқлаш учун уларга кўнгиноқ қилиб болганган. Қайсарларидир адашиб тушган, бошқаларида дугоналари ҳўжайинларнинг телефонидан кўнгиноқ қилгани аниқ бўлган. Лекин кўнгиноқ кўёвим қизимга тухмаст қилиб, ажрашишга ариза берди ва ниятига етди. Кўп ўтмай кўёвим ёшгина хотин ҳам топиб, ўйланиб олди. Қизим эса иккита тиркич етим боласи билан яшайпти. Ҳаммасидан шу темир матоҳни деб тухмастга қолгани одамга алам қилар экан..."

Ҳа, азизлар, бугун бу мавзу долзарб! У ҳақда қанча воқеаларни келтириш мумкин. Ҳозир айни карантин пайтида кўпчилик "бекорчи"га айланиб қолди. Орамизда ота-онаси, ўз ақли аёли ва фарзандларига берафқ бўлиб, бугун кунини телефонда, хатто тунини ҳам ижтимоий тармоқларда қўйлар расмига "лайк" босиб, уларнинг «статусларига изох ёзиш билан ўтказаетган "бекорчи эркак"лар ҳам кўп. Қўлга шаллоққанди келадиган телефонни оловлиб, гоҳ кино кўрсан, гоҳ ўйин ўйнаган, гоҳ қуллоғига қўйибди соатлаб галлашаётганлар ҳам бор. Ахир, "ақлли" телефон дея мақталаётган бу матоҳ ҳеч қачон киши миясига ақл солиб қўймайди. Ақсичча, ақл билан иш юритишга маълум маънода ҳалақит беради. Ўйлангиз, бўш вақтда ижтимоий тармоқларни "кезеш", телефонда ўйин ўйнашдан кўра китоб ўқишнинг фойдаси кўпроқ. Китоб мутолааси асабларни тинчлантириб, оданин чуқурроқ ўйлашга ундайди. Кўп китоб ўқиган киши маънавий бойиди.

Қамола АҲМЕДОВА

Кореядан салом!

Тангем ўзбек халқига видео-муурожаат йўллади



Ўзбекистон Республикасининг Жанубий Кореядаги туризм элчиси, «Сарой жаҳожири» сериалидаги Тангем роли орқали танилган актриса Ли Ён Ё ўзбек халқига видеомуурожаат йўллади. Видеомуурожаатда Ли Ён Ё коронавирус пандемияси асоратларини енгишга доир саъй-харакатлар, шунингдек, Сирдарё вилоятида Сардоба тўғонининг ёрилиши билан боғлиқ фавқулодда

ҳолат муносабати билан халқимизга қўллаб-қувватлаш сўзларини билдиради, – дея маълум қилди бош вазир ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳақимов.

«Қайрили Ўзбекистон аҳли! Сизларга ҳеч қачон умидни йўқотмасликни ва мавжуд қийинчиликларни енгиб ўтишда куч-қувват тилайман! Тез кунларда Ўзбекистон те-

левидениесига намоиш этилувчи «Самдан» сериали ҳам ҳаётда ҳар қандай қийинчиликлар бўлишига қарамай, умид ва шижоатни йўқотмасликка қорлайди. Умид қилманки, бу шижоат сиз азиз ўзбекистонликларга ҳам яқин бўлади. Мен чин қалбимдан имкон қадар тезроқ Ўзбекистонга бориб, сизлар билан учрашшни интиқиб кутаяман», – дейилади муурожаатда.

Бизнинг суҳбат

Юртимиз санъаткорлари ва маданият ходимлари учун муҳим воқеа бўлган “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президентимиз Фармони соҳа вакиллари орасида самимий дил изҳорлари билан кутиб олинмоқда. “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор эса тизим ташкилотлари ходимларига эътибор ва ишончнинг ёрқин ифодаси бўлиб, улардаги масъулият юқининг залворини яна бир бор намоиш этди. Тахририятимизга бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш истагида келаётган санъаткорлар, маданият ходимлари билан суҳбатлашар эканмиз, тафсилотлари билан сизларни ҳам таништиришни жоиз деб билдик. Бугунги суҳбатдошимиз санъатсевар халқимиз назаридаги хушовоз хонанда Озодахон Нурсайидовадир.



“Ўз юртимнинг саҳнасини соғингандим...”

САНЪАТ – МЕНИНГ ҲАЁТИМ

– Мана кўп йиллик танаффусдан кейин ижодни ҳам бошлаб олдингиз. Ўйлайманки, айтмоқчи бўлган гапларингиз ҳам талайгина. Суҳбатимизни айнан нимадан бошлашимизни ҳоҳлар эдингиз?

– Тўғри, айтмоқчи бўлган гапларим анчагина. Лекин мен суҳбатимизни кўп йиллик танаффусдан кейин менинг ижода ва катта саҳналарга қайтишимга имкон берган муҳтарам Президентимизга миннатдорчилик билан бошламоқчиман! Шўкр қиламанки, ҳаётда йиқилганни турғизиб, қоқилганини суйидган олижаноб инсонлар бори! Юртобшимизнинг кечиримлиги, бағрикенглиги туфайли яна ижод қилиш, Ватаним, халқим меҳрини қозониш имкониятига эга бўлдим. Санъаткор учун ўз юрти ардоғидан ортиқ бахт йўқ аслида. Қўшиқларимни севиб тинглайдиган мухлисларим қаршисига ёруғ ўз билан чиқиб насоб этганига шўкр. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг санъат ва маданият соҳасини ривожлантиришга доир қабул қилган муҳим ҳужжатларини ўқиб, қалбим қувончга тўлди. Ахир, санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жолиб ижро асосида ўтказиладиган концертлар учун ижара тўловидан 50 фоиз чегирма бериш, айниқса, 15 апрель санасининг маданият ва санъат ходимларининг касб байрами куни дея белгиланиши қайси соҳа ходимини қувонтирмайди дейсиз?! Шунингдек, муаллифлик ҳуқуқининг ҳимояси бўш бастакорлар учун ҳам гоят муҳим. Масалан, мен яратган куйлар бошқа мамлакатларда ўзлаштириб ижро этилса, ҳуқуқий жиғи ҳимоя қилиш қийин эди. Энди эса Маданият вазирлигида фаолият олиб борадиган Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш палатаси бизга бу борада албатта ёрдам бериши шубҳасиз. Ишончим комилки, бундай эътибор ва рағбатнинг муносиб жаवоби бўлади албатта...

Бундан ташқари, мақом ижрочилиги, бахшчилик ва катта ашула йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг ташкил этилиши ҳам мен учун жуда қувончли воқеадир. Ахир мен олий ўқув юртида аъёнвий қўшиқчилик, мақом йўналишида ўқиганман.

– Ҳақиқатан, вақтида сизнинг мақом йўналишидаги ижроларингиз эътироф

этилган эди. Лекин бу йўналишдаги ижроларингиз у қадар кўп эмас, гарчи мухлисларингиз севиб тинглашган бўлса-да...

– Тўғри, эстрада йўналишидаги ижроларим кўп. Аммо мақом менинг жону дилим. Болалигимдан Расул Қори Мамадалев ижросидаги мақомларни севиб тингладим. Ўзбек миллий қўшиқчилигининг асоси мақомчиликда. Чунки, мумтоз қўшиқларнинг жилоси, бекиёс таъсири инсон ҳиссиётларини тарбиялайди, ижро усуллари ҳам ўзига хос мураккаб. Шунинг учун ҳам мақомни маромига етказиб ижро этган санъаткорнинг маҳоратига ҳеч ким давво қилолмайди. Қўпол қилиб айтганда, ўғирлаш, ўзлаштириш деган тушунчалар мақом учун бегона. Фақат уни билар-билмас айтадиган хонандалар ҳофиз дея ҳурмат қилишларига муносиб бўлолмайди. Консерваторияда ўқиш жараёнида устозларим: Фаттоҳхон Мамадалев, Фозилжон Маматкулов, Орифхон Хотамовлардан мақом сирларини кунт билан ўрганганман. Эстрада жанрида ижод қилган бўлсам-да, ижодим давомида бу мақом мактаби доим менга кўмак бериб келди. Қандай қўшиқ айтсам ёки басталасам ҳам ижод намуналаримнинг ўзагида аъёнвий ижрочиликнинг ҳиди келиб туради. Айниқса, Фарғона-Тошкент усулида кўп ижод қилганман. Шуни айтишим мумкинки, мақомдан бошлаган ижрочи ҳамма жанрда ижод қила олади. Унинг овоз техникаси муқамал бўлади ва асар қанчалик мураккаб бўлмасин ижрода қийналмайди. Очиғини айтсам, саволингиз жуда ўринли бўлди. Шу кунларда мақом қўшиқлардан тузилган альбом ёзиш борасида Ўйлаб юрган эдим. Қолаверса, мақом мактабини ривожлантириш борасидаги саъй-харакатларда филол қатнашишни бурчим, вазифам деб биланман.

– Одамлар кўпинча бир одатта мойил бўлишади. Яъни ўттиш билан бугунги доим таққослашади. Сиз ўзбек маданияти ва санъатининг ўтмиши ва бугуни ҳақида нима дейсиз?

– Очиғини айтсам, ўзгаришлар катта. Лекин фақат яхши тарафга. Ижодий бошлаган пайтимизда бизга орзу бўлган имтиёз ва имкониятлар бугун татбиқ қилиниди ва қилинапти. Санъат соҳасидаги долзарб муаммолар кўтарилиб, янги ислохотлар иш-лаб чиқилиб, муаммолар бартараф этиляпти. Ўзбек санъати ва санъаткорларига катта эътибор албатта ҳамма қатори мени ҳам қувонтиряпти. Халқимиз ҳам кузатяпти –

санъаткорлар ҳар жаҳада фаол. Юртимиз фаровонлиги йўлида санъаткорлар фаолиятини кучайтиришда Маданият вазирлигининг ўрни катта бўляпти. Албатта, бундай ислохотлар учун Маданият вазирлиги ва Маданият вазирлиги мутасаддиларига миннатдорчилик билдираман.

– 13 йиллик танаффусдаги кечинмангизни қисқача қандай таърифлаган бўлардингиз? Шу давр ичидан нима ишлар қилдингиз?

– Инсон ҳавосиз яшай олмаганидек, санъаткор муҳлисиз яшай олмайди. Жуда оғир ўтди мен учун бу давр. Тўғриси, умидимни узиб, ҳатто ёруғ кунларни кўра олмас керак деб қўрқардим... Кечинмангизни қисқача тушунтириш мушкул бўлса-да, бир сўз билан, қоронғилиқда яшадим, деб айта оламан. Ҳаётимни ва ҳаёт йўлимадани хатоларни кўп таҳлил қилдим. Кўп китоб ўқидим. Санъаткор сифатида шақланган Озодани эмас, шахс сифатидаги Озодани ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдим баъзан. Ижод буткул тўхтаб қолди дея олмайман. Яратилган қўшиқлар ҳам бўлди. Уларнинг кўпини ҳали элга тақдим қилмаганман. Мен қўшиқларимнинг 99 фоизига ўзим куй басталаганман. Шу давр ичидан бир қатор хориқ давлатлари: Арабистон, Қирғизистон, Туркия, исроиллик ижодкорлар билан ҳамкорликда ишладик. Уларнинг кўлигига қўшиқларига куй басталаб берганман.

– Сиз айтган қўшиқларнинг матни асосан кимларга ёки қайси ижодкорга тегишли?

– Мен Муҳаммад Юсуф, Эркин Воҳидов каби адабиётимиз даргалари, Махмуд Тоир, Х.Ҳудойбердиева, Зулфия Мўминова, Бобур Бобуиров каби таниқли шокирларимиз шеърларига куй басталаганман, ижро этганман. Асосан, Рислмоғи Хотамова билан бирга ишлаймиз. Аксарият ҳолларда шеър маззуси, масалан, ёлғиз аёл ёки инсон туйғуларини эрмак қиладиган ҳақида бир шеър ёзиб бериб, дея тақлиф билдирган вақтарим ҳам бўлган. Шундай пайтларда қўшиқнинг мусиқаси ҳаёлимда яратилган бўлади.



– Қўшиқларингизнинг сўзлари, балки тоза, тиниқ талаффузингиз сабабми кўпинча ҳаётда ўрнашиб қолади. Лекин айримларининг мазмунига эътироз билдирганлар ҳам учраган. Масалан, “Андижонлик безори”нинг озорини ёқтиришингиз-у, “Сен бўлмасанг бошқаси” дея иддао қилишларингиз эриш тузюлгандек бўлади-да...

– Биласизми, баъзан енгил кулги, юмор, ҳажв шеърларни қўшиқ қилиб қўйлашга мойиллик сезади одам. Бу иккала қўшиқ ҳам ҳазил тарихисига эзилган...

– Шу ўринда юқорида таъкидлаганингиз – санъаткор маданияти иборасини қандай таърифлаган бўлардингиз? Умуман дунёни маданият кутқаради дейилишида қандай ҳикमत бор? Зеро, ҳаётнинг кўпгина синовларини бошдан кечирган, зарбаларини енгиб ўтишга ўзда куч топа олган, оқибатда эзгу мақсадлари рўёбини қўришга муяссар бўлган тажрибали санъаткорнинг ҳолис фикрлари бу йўлнинг бошида турган, аммо баяндал-балад парвозларни қўзлаган ёшларга нимадир бериши аниқ...

– Аввало, ҳар ким ўзи танлаган касбини

севиши, ардоқлаши керак. Айниқса, санъат соҳаси жуда нозик, жуда мураккаб хусусиятга эга. Одатда ўқитувчилик қийин, жуда масъулиятли касб дейишга ўрганганмиз. Аммо санъаткорнинг масъулияти бундан кучли бўлса борки, кам эмас. Боиси у ҳаммиша эл-юрт назарида бўлади. Босган қадамни ҳам ўйлаб бошиши керак. Ўйни ташқи кўринишдан тортиб ички оламгача одамларнинг диққат-эътиборида туради.

Кўп санъаткорлар хонанданинг биринчи навбатдаги вазифаси ўз қўшиғини қойиллатиб қўйлаб қўйиш, бошқасининг аҳамияти йўқ деб ўйлашади. Илгари мен ҳам шундай ўйлардим. Ҳаёт тажрибам шуни кўрсатдики, санъаткор зўр ижро билан қифолянмай ўзини туттиш этикасини ҳам назорат қилиши керак. Бу жуда муҳим экан. Қолаверса, хушфёшлик, камтаринлик, одамийлик. Бу фазилатлар ҳар қандай иқтидор ва истеъдод эгасининг йўлининг ёритиб туради. Албатта, тинимсиз изланиш ҳамда интиқилишда омад қалити борлигини унутмаслик керак.

– Ҳозирги кунда сизнинг жамиятдаги муносиб ўринингизни белгилайдиган дахлдорлик туйғуси, эл-юрт ташвиши ҳам ҳамдардлик маъносидоғи ҳомийлик ёрдамларингиз туфайли бир қатор хонадонларда умид қироғи ёнди. Синовл кунларни бошидан кечираётган халқимиз кетма-кет келган ташвишлар пайтида шундай қимматли ҳомийларга эҳтиёж сезди. Хусусан, Сардоба воқеаси туфайли бошпанасиз қолган оилаларнинг ўз уйига эга бўлишида сизнинг ҳам хиссангиз борлиги қувонарли...

– Мен менинг инсонийлик бурчим. Ахир, биз санъаткорларни ардоқлаб, бошига кўтарадиган халқимизга нега ёрдам бермайлик?! Ҳозирги кунда шундай ҳомийлик ёрдамларини қўлчилки ташкил этади. Бундай саволи ишларнинг эътидан тутганлар асло кам бўлмайди...

Сайёра Рихсиева

Фахр хисси

Маданият ва санъат соҳасида янги саҳифа

Ўртабшомининг маданият ва санъатни янада такомиллаштириш борасидаги топшириқлари мазкур йўналишда улкан ишлар қилишга замин яратмоқда.

Буни амалдаги бир қатор ислохотларда ҳам кўришимиз мумкин. Барчага маълум, соҳа вакиллари жамиятимиздаги ҳар бир жабҳага сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. Ўзи мусиқа, санъат оламига сайр этган, ундан баҳраманд бўлган ва ошно тутинган инсонлар, менинг наздимда, энг бахтлилар сафидадир. Бу олам доимо бой маънавий озуклар макони экани, қомилликка ети-

шишда ўрни бежислигини исботлаб келмоқда. Бунга мисол сифатида халқнинг ҳурмату эътиборини қозongan, соҳанинг гуллаб-яшнаши йўлида тинимсиз меҳнат қилиб, доимо изланишда бўлган, жонқуяр, фидойий инсон, қайи-бой раҳбар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбековни келтириш мумкин.

Маданият ва санъат соҳасида янги саҳифа очила-ётган экан, бундан биз ёшлар, хусусан, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари жуда қувонган, руҳланган ҳолда ўз устимизда тинимсиз ишлашга,

соҳамизга доир янгиликлар яратишга, сержирра ижодкор ўқитувчи мақомига сазовор бўлишдек масъулиятни ҳис қилишга ваъда берамиз.

Нахот, яшолмайман бир нафас сенсиз?!

Ўзимни сезаман юраксиз, ҳиссиз.

Санъатим, сен менинг қанотим бўлдинг,

Парвозим кўқларда қувончи чексиз.

Ш.Гаффорова, Наманган шаҳар 11-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси



Акс садо

Эзгу мақсад йўлида...

Президентимизнинг "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони барчамизнинг кўп йиллик орзуларимизни рўёбга чиқарди десам муболага бўлмайди.

У, аввало, санъат ва маданиятда илм-фан нечоғлик зарурлигини аниқ белгилаб берди.

Айниқса, Юнус Ражабий номидagi Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилганлигининг ўзи миллий санъатимиз энди асрлар оша буй чўзиб, биздан авлодларга мерос қолишни аниқлатмоқда.

Фармон санъаткорнинг жамиятдаги ўрнини ҳам мустаҳкамлаб берди. Бунгача давлат тадбирларидаги иштирок, келиб-келиши, баъзан либос олиш қайси даромаддан бўлишига эътибор берилмасди. Эндиликда муаллифлик ҳуқуқи санъаткорни ҳимоялабгина қолмай, унинг ижоди қадрланишига, ўз устида ишлашга ҳам ўргатади. Унинг жамиятдаги мавқеи ошса, масъулият ҳисси икки барабар ортади. Бу эса ижодқордан янгиликлар яратишни талаб этади. Яна тўлиқ жонли ижро асосида ўтказилган концерт дастурлари учун ижара тўловидан 50 фоиз чегирма бериш – бу катта мукофот.

Шунингдек, хусусий театрлар фаолиятини такомиллаштириш, Республика кўғирчоқ театрига Ўзбек миллий кўғирчоқ театри мақоми берилиши, халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш, қадрли тарихимиз ва музейларимиз фаолиятини оммалаштириш мақсадида ҳар ойнинг биринчи яшанбасини "Озиқ эшиклар куни" деб эълон қилинганини алоҳида эътироф этиш зарур.



15 апрелнинг "Маданият ва санъат ходимлари куни" деб эълон қилиниши биз маданият ходимларида гурур туйғусини, касбга бўлган фидойийлик ва жонқуярлик ҳислатларини жўштиради.

Маданият ва санъат ходимларининг фидокорона меҳнатлари рағбатлантирилиши, аввало, яхши моддий кўмак бўлса, яна яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда самарали меҳнат қилишга ундайди.

Барчамизнинг мақсадимиз бир – маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда таъсирини оширишга қаратилган.

Бугун биз ўзимизга берилган кенг имкониятлар ва имтиёزلардан оқилона фойдаланиб, касбимизни янада севиб ардоқлашга, куч-гайрат билан меҳнат қилишга, санъат ва маданиятимизнинг ҳали очилмаган қирраларини ҳам намоеъ этишга ва албатта сизнинг ишончингизни оқлашга ваъда берамиз!

Йўлдош Генжаев,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,
Бухоро вилояти маданият бошқармаси бошлиғи

Маданият ва санъат



Давлатимиз раҳбарининг "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъатни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Мазкур икки ҳужжатда маданият ва санъат соҳасидаги долзарб вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилган. Жумладан, театр инсонда эзгу фазилатларни шакллантириб, ибратхона вази-

Эътибор намунаси

Масъулиятни ҳис қилиб...

28 май куни Сурхондарё вилоят маданият бошқармасида Президентимизнинг маданият ва санъатни янада ривожлантиришга доир Фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти юзасидан вилоят тизим ташкилот ва муассасалари раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Бугунги кунда вилоят маданият бошқармаси тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларда 2 647 нафар ходим хизмат қилмоқда. Улар вилоят миллий маданиятини янада ривожлантириш, моддий ва номоддий маданий мерос дурдоналарини сақлаш ва тарғиб этиш, халқ оғзаки ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини янада оммалаштириш, ёшларнинг маданият ва санъатга қизиқишини ошириш бўйича қатор ишларни амалга оширмоқда.

Эндиликда ҳукумат раҳнамоси томонидан қабул қилинган Фармон ва қарор соҳадати муаммоларни бартараф этишга, маданият ва

Халқнинг маънавий бойлиги



фасини бажарса, музейлар тарихимизнинг жонли ўтмишидан сўзлайди, санъат эса кишининг эстетик дидини шакллантиради. Фармонда белгиланган имтиёзлар туғайли энди ҳақиқий истеъдод эгаларига пойтахтда ҳам ўз ижодини кенг намойиш қилиш имконияти яратилди. Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя қилиниши эса санъаткорларнинг ўз устида ишлашига, изланишига, ижодий ҳамкорликнинг янги ўфқларини яратишига замин яратади.

Эътиборли томони, қарор билан маданият вазири фаолиятини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тизимидан ҳам қатор ўзгариш ва янгиликлар жорий этилади. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни рағбатлантириш имкониятлари кенгайтирилди. Вазирлик ҳузуридаги Маданий мерос департаменти ва унинг барча ҳудудий бошқармалари тузилмасида тегишлича юридик шахс мақомига эга бўлмаган Бадий экспертиза бошқармаси ҳамда Бадий экспертиза бўлимлари ташкил этилади. Вазирлик ҳузуридаги Маданий мерос илмий-тадқиқот институтига бир қатор ҳуқуқ ва ваколатлар берилди. Санъаткорларимиз учун бир қанча имтиёз ва қулайликлар яратилгани эса уларни беҳад хурсанд қилди.

Жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятимиздан 650 нафар хонанда, созанда, раққоса,

операторлар лицензия олиш учун ҳужжат топширган. Бу республика бўйича энг юқори кўрсаткичдир. Эндиликда концерт-томоша тадбирига бир марталиқ рухсатнома бериш учун ундирилган йиғимнинг бекор қилиниши санъаткорларимиз учун жуда катта имкониятдир. Битта концерт қўйиш қанчалик қийинлигини санъат ичида юрганлар яхши билишади. Жонли ижро учун ижара ҳақининг 50 фоизга камайтирилиши эса чипта нархи пайсалишига хизмат қилади. Энг муҳими, энди санъаткорлар ижодий изланиб, жонли қуйлашга, янги асарлар яратишга астойдил интилади. Залларимиз муҳлис-лар билан тўлади. Жамият аъзоларининг барча қатламлари маънавий-маданий эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлади. Муаллифлик ҳуқуқи тартибга солиниши ортидан шоир ва бастакорлар, истеъдодли қўшиқчиларнинг меҳнати қадрланади.

Фармонда театрлар фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Маданият вазири фаолиятини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тизимидан ҳам қатор ўзгариш ва янгиликлар жорий этилади. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни рағбатлантириш имкониятлари кенгайтирилди. Вазирлик ҳузуридаги Маданий мерос департаменти ва унинг барча ҳудудий бошқармалари тузилмасида тегишлича юридик шахс мақомига эга бўлмаган Бадий экспертиза бошқармаси ҳамда Бадий экспертиза бўлимлари ташкил этилади. Вазирлик ҳузуридаги Маданий мерос илмий-тадқиқот институтига бир қатор ҳуқуқ ва ваколатлар берилди. Санъаткорларимиз учун бир қанча имтиёз ва қулайликлар яратилгани эса уларни беҳад хурсанд қилди.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ноталар тўпламлари ва махсус мусиқий адабиётларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетли маблағлари ҳисобидан чоп этилиши ва уларнинг таълим муассасаларига тўлиқ етказилиши, ҳар бир ҳудудда кўчма цирклар (шапито, дорбозлар гуруҳлари) ҳамда ҳайвонот боғлари ташкил этилиши ҳам ушбу ҳужжатда ўз аксини топгани фойда эътиборлидир.

Халқимизга хос маданият ва санъат бугун бутун дунёни лол қолдираётгани барчамизга сир эмас. Ўз тарихини, миллий ва маданий меросини унутмаган, уни кенг тарғиб қилган халқ эса буюқдир.

Ҳўжакул МУҲАММАДИЕВ,
Самарқанд вилояти маданият бошқармаси бошлиғи



этилиши ҳам нихоятда қувонарлидир. 15 апрелнинг "Ўзбекистонда маданият ва санъат ходимлари куни" деб белгилангани ҳамда маданият ва санъат ходимларининг маошлари миқдори оширилиши эса соҳа вакилларига бўлган эътибор намунасидадир.

Йиғилиш якунида белгиланган вазифалар ижросини сидқидилдан таъминлаб, вилоятимиз маданият ва санъатини янада ривожлантириш ҳамда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга бор куч-гайратимизни сафарбар этишимиз лозимлиги белгилаб қўйилди.

М.Қарақулова, Сурхондарё вилояти маданият бошқармаси бошлиғи

«Беш ташаббус уйда»

Бу йил «Ёшлар куни» қандай нишонланади?

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 25 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ 30 июнь – Ўзбекистон Республикаси ёшлари куни этиб белгиланган.

Ушбу кунда ўтказилажак байрам тадбирлари «Ўзбекистон ёшлари замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаб, ўз маънавияти ва тафаккури билан барчага ибрат ҳамда намуна бўлиши керак» ғоясини ўзида муҷассам этади. Шу муносабат билан жорий йилнинг июнь

ойи бутун республикамиз бўйлаб «Ёшлар ойлиги» деб эълон қилиниб, унинг доирасида қатор маданий-маърифий тадбир ва лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик томонидан «Ёшлар ойлиги»ни муносиб нишонлаш мақсадида Адилбар хиёбонида «Ёшлар назм кечалари», Ғалаба боғи ва Шоншараф музейида болалар иштирокида спектакллар намойиши, музейга ташриф, маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан «Беш ташаббус

уйда» онлайн учрашувлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Ёшлар симфоник оркестрининг Ёшлар кунига бағишланган махсус онлайн-концерт дастури намойиши ҳам режалаштирилмоқда. «Ёшлар куни»нинг мамлакатимизда кенг нишонланиши ўсиб келаётган авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга, уларни юксак марраларга чорловчи маёқ сифатида хизмат қилади.

Гулшода Иброҳимова



Бош музей



Маданиятга бой маскан

Мамлакатимизда музейлар фондиди бойитиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор даражада. Ҳар бир давлат тараққиёт сари одимлар экан, аввало, тарихга назар ташлаб, мавжуд урф-одатлар, анъаналар ҳамда қадимий ёдгорликларни ўрганишга ва уларни асраб-авайлашга интилиши табиий. Айниқса, бу борада музейлар ўрни беқиёс. Улар маънавий-маърифий озуқа беришда ҳам катта аҳамиятга эга. Музейлардаги экспозициялар орқали қўшимча билим бериш ва маълумот олиш мумкин.



Бугун сизларга энг кекса илмий-маърифий муассаса – Ўзбекистон давлат табиат музейи ҳақида маълумот бермоқчимиз. Уилгари «Тошкент музейи» деб номланиб, 1876 йил табиатшунослик, антропология ва этнография билан қизиқувчилар ташаббуси билан ташкил этилган. 1921 йил қадимги ёдгорликларни сақлаш, санъат, табиат ишлари бўйича қўмита тасарруфига ўтказилиб, Ўрта Осиё бош музейи номини олди. 1930 йилда Табиат бўлимлари, Қишлоқ хўжалиги музейи ҳамда Зоология боғи билан бирга Ўрта Осиё табиат музейи ва ишлаб чиқариш кучлари номи берилди. 1935 йилнинг январь ойида ушбу ташкилотнинг табиат шўъбаси Ўзбекистон давлат табиат музейига айлантирилди ва Тошкент шаҳри Сағбон кўчаси 16-уйга жойлаштирилди.

1944 йилда эса Ўзбекистон давлат табиат музейининг бой илмий фондларини сақлайдиган муассаса сифатида Ўзбекистон ФА тизими-га ўтказилиб, «Ўзбекистон Фанлар академиясининг табиат музейи» номини олди. 1963 йилда ундан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик иختиёрига Эълон

ўтказилди ва Ўзбекистон давлат табиат музейи деб юритила бошланди. Музей бой илмий захирага эга. Унда геология, ботаника, зоология ва энтомология коллекциялари мавжуд. Захира материаллар музей ташкил топган даврдан бери йиғилган ва асосан республикамизнинг турли ҳудудларига музей томонидан уюштирилган қатор экспедициялар чоғида келтирилган. 1918 йил А.А.Мель музейга 1290 намунадаги тропик капалаклар коллекциясини тақдим этади. Зоология бўлимида Ўзбекистоннинг «Қизил китоб»ига киритилган ноёб ҳайвонлар, қушлар, балиқлар тулумлари сақланади. Геология бўлимида эса республикамизнинг турли қонларидан келтирилган минерал ва фойдали қазилмалар коллекцияси мавжуд.

1938 йил А.П.Окладников Сурхондарёнинг Бойсун тоғидаги Тешиктош ғоридан тош қуроллар ва 9 ёшли бола скелетини топади. Ғорда гулхан қолдиқлари, тоғ эчкиларининг суяк ва шоҳлари бор эди. Бу Тешиктош неандерталлари ов билан шуғулланганидан

дарак беради. Антропологик тадқиқотлар натижасида машҳур олим М.М.Герасимов бола скелетини тиклашга муваффақ бўлади. Экспозициядан ушбу неандертал бола макети ҳам жой олган. Сурхондарёнинг Заруатон типидаги одамлар чизган турли ҳайвонлар шакллари ҳам уларнинг овчилик билан шуғулланганини англатади. Ушбу расмлар музей экспозициясига қўйилган бўлиб, ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотмасдан қолмайди.

Шунингдек, музейдан ўрин олган «Орол кеча ва бугун» деб номланган фотоқўргазма Орол муаммосига бағишланади. Бу нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё олдида турган долзарб экологик муаммолардан биридир. Музейнинг асосий мақсади, ҳар бир томошабинни ноёб, нодир экспонатлар билан яқиндан таништириш ва шу орқали инсонларнинг табиатга бўлган меҳрини шакллантириш ҳамда уларни табиатимизни асраб-авайлашга ўргатишдир.

Умидаҳон Ўромова,
Маркетинг бўлими мутахассиси

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МҶЖ

АХБОРОТИ

ЎзР ВМ ҳузурдаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси балансидagi д/р 01/133ССА бўлган «ЛАСЕТТИ» русумли; д/р 01/131ССА бўлган «НЕКСИЯ» русумли автотранспорт воситалари ушбу ташкилотнинг 2020 йил 8 июндаги 10/10-460-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

Гуводнома № 005357

Табиат ва инсон

Бугунги кунда табиатга антропоген омилларнинг салбий таъсири тўғрисида кўп минтақаларда биоэкологик фожа юз бермоқда. Улардан бири Орол денгизи сувининг қуришидир. Денгиз суви чекинishi натижасида унинг ўрнида улкан қум-шўрқокли ландшафтлар мажмуасидан иборат типик чўл таркиб топди. Унинг майдони 5,5 млн. гектарни ташкил этиб, шундан 2,5-3 млн. гектарга яқини Ўзбекистон (Қорақалпоғистон) Республикаси ҳудудига тегишлидир.



Оролбўйида экологик туризмни ривожлантириш



янада кучайтиришдан иборатдир.

Мазкур масалаларнинг ижобий ҳал этилишида тегишли давлат ташкилотларида фаолият олиб боровчи раҳбар ва бошқарувчи кадрларнинг экологик билимларини кенгайтириш бош омиллардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги «2017 – 2021 йилларда Орол олди минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, шунингдек, 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи ҳамда 2018 йил 15 ноябрь куни Мўйноқ шаҳрига ташрифида Оролбўйи ҳудудларига чидамли бўлган ўсимликларни етиштириш, кўпайтириш ва парвариш-лаш бўйича самарали лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан таклифлари, 2017 йил 12 июнь куни БМТ бош котиби Антониу Гутерришнинг Орол минтақасига қилган ташрифи чоғидаги таклифлар ҳамда БМТ Бош котибининг махсус маслаҳатчиси Юкио Такасу Ўзбекистонга ташрифи чоғидаги таклифлари, хусусан, 2018 йил ноябрь куни Нью-Йорк шаҳрида Халқаро транс-жамғармасини ташкил қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг таклифлари қўллаб-қувватланиши мазкур ҳудудда илмий тадқиқот ишлари олиб боришининг янги босқичини амалга оширишга асос бўлади.

Денгиз сувидан бўшаган ҳудудлар кенг жамоатчилик, турли мутахассис олимлар олдида унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, шунингдек, табиий географик ландшафтларини ҳар томонлама ўрганиш муаммосини қўйди. Кейинги йилларда денгиз сувидан бўшаган ҳудудларнинг ҳозирги экологик ҳолатини хабардор бўлиш учун турли минтақалардан олимлар ташриф буюришмоқда. Уларнинг аскариятини туристлар ташкил қилади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг қадимий тарихий ёдгорликлари билан бир қаторда бетакрор табиати, биологик хилма-хиллиги ҳам мамлакатимиз туризмни ривожлантиришда асосий объект сифатида хизмат қилмоқда. Бунда экологик туризмни ривожлантиришдаги раҳбар кадрларнинг роли ва кўмаги муҳим ҳисобланади.

Айни масала ечимидagi қилиниши зарур бўлган асосий вазифалардан бири бу ёш авлоднинг экологик маданиятини шакллантириш, табиат ва атроф-муҳитга бўлган дунёқарашини ривожлантириш, уни севиш, асраб-авайлаш ҳиссини уйғотишда таълим-тарбияни

Г.А.Шаджанова,
Маданият ва санъат қўргазмаси директори

Жонли ижро

Томоша-бинлар томонидан илиқ кутиб олинмоқда



Хусусий телеканаллар орқали 1 – 7 июнь кунлари “Хоразм маданияти ва санъати ҳафталиги” доирасида воҳанинг таниқли хонандалари ижросидаги концерт дастурлари тўғридан-тўғри, жонли ижрода эфирга узатилди. Мухлислардан келган “смс” хабарларга қараганда, ушбу лойиҳа томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинган. Санъаткорлар чиқишлари нафақат юртимиз, балки кўшни республикаларда ҳам томоша қилиняпти ва интернет тармоқларида кузатиб бориляпти.

Музей шаҳар Хиванинг “Ичан-қалъа” худудидagi тарихий обидалар бағридан туриб намойиш этилаётган дастурлар телетомошабинларга чексиз завқ бағишламоқда, шу билан бирга уларда музей шаҳарга сەҳнат қилиш орсусини ҳам уйғотмоқда.


Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Раҳмат Курбонов, Тўлқин Жабборов, Бунёдбек Саидов, шунингдек, истеъдодли хонанда Дилмурод Султоновлар ижросидаги кўшиқлар билан бирга Хоразм вилояти кўғирчоқ театри ижодий жамоаси томонидан намойиш этилган бир-биридан қизиқарли томошалар, миллий рақслар барчага хушнудлик бағишлади.

Дунё мамлакатлари маросимлари

Ҳар бир миллатнинг асрлар мобайнида амалга ошириб келган ва бора-бора миллий қадриятига айланиб қолган урф-одатлари бўлади. У ҳақида эшитган ёки шахсан гувоҳига айланган бошқа юрт вакилига бу галати туюлиши табиий. Аммо бундай байрам ёки фестиваллар муайян бир тарихий воқеага асосланган бўлади. Лекин ўша миллат учун муқаддас ҳисобланиб, оммавий нишонлаб келинади. Шундай фестиваллардан бири Испаниядаги “Помидорлар жанги” (“Ла Томатина”)дир. Бугун номиданоқ ҳайратга солувчи мана шундай ажабтовур байрам ҳақида суҳбатлашамиз.

“Помидорлар жанги”

фестивали



Испанчада “Ла Томатина” деб аталуви мазкур маросим даврий тарзда августнинг охири кунлари Валенсиядан 25 километр ғарбда жойлашган Буньоль шаҳарчасида ўтказиб келинади. Унда иштирок этиш учун хоридан ўн минглаб одам Испанияга ташриф буюришади ва умрлари мобайнида энг ширин хотиралар билан эсланадиган дамларга гувоҳ бўлишади. Фестивалнинг ёши – 71 да.

“Ла Томатина”нинг келиб чиқиши ҳақида турли назариялар мавжуд. Улар туташидиган нуқта шуки, фестивал тасодифан, онгли равишда кўзланган мақсадсиз хатти-ҳаракат туфайли юзага келган. Яна бир уйғунлиги – байрамга XX асрнинг 40-йилларида асос солинган. Энди маросим тарихи хусусида келтирилган тахминларни бирма-бир баён этсак.

1945 йил август ойининг охири чоршанбасида анъанавий парадлардан бири ўтказилаётган эди. Қатнашчилар шундай либосларда эдики, томошабинлар эътиборини тортмасдан қолмасди. Созандалар қарвони ва турфа ранг либосдаги парад аъзолари киши кўзини қувнатарди. Шу пайт бир нечта ёш ўспирин уларга яқинроқ бориб, яхшироқ кўриш, томошадан янада роҳатланиш ниятида йиғилган оломон орасидан тезроқ ўтишга уринишарди. Натижада эса тўпланганлардан бирини йиқитиб юборишарди. Ҳазза оти га минган жабрдийда қўлига олинган нарсга, яъни қизариб пшанга пимдорнинг бебош ўспиринлардан бирига қарата

улоқтиради. Унинг бу хатти-ҳаракати га жавобан ёшлар ҳам сабзавотларни ота бошлашади. Шундан сўнг улар полиция ходимлари томонидан ҳибсга олинади. Орадан бир йил ўтгач, ушбу ҳолат яна такрорланади. Лекин бу сафар бебош ўспиринлар Буньоль кўчалари биридан ўтган-қайтганларни помидор билан “сийлашади”. Шу-шу бу шўхлик анъанга айланади ва ғаройиб фестивал урфга киради.

Бу бир тахмин. Бошқасида айтилишича, қачонлардир шу шаҳар бошлиғи аҳолига яхши муносабатда бўлмади. Бундан дарғазаб бўлган халқ уни помидор билан нишонга олади. Яна бир фаразга кўра, шаҳар марказида номаълум хаваскор қўшиқчи овозининг борича ашула айта бошлайди. Унинг “ижоди”ни ёқтирмаган омма помидор улоқтириб норозилигини билдиришган. Хуллас, юқоридagi тахминларнинг ҳеч бирини инкор қилиб бўлмайди. Уларнинг ҳар биттаси ҳақиқат бўлиши мумкин. Эҳтимол, шунчаки байрам тарихига тахминий бир қарашдир. Аммо бугунги кунда помидор улоқтириб байрам қилиш маросими борлиги айна ҳақиқат.

Статистик маълумотларга кўра, 10 минг нафар аҳолиси бор бу шаҳарчада фестивал пайтида одам 50 минггача кўплайиб кетар экан.

Диктатор Франко даврида, яъни 50-йилларда бу байрамни нишонлаш тақиқланб қўйилган. Бу кўнгилочар тадбирнинг динга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги сабаб қилиб кўрсатилган.

Қонунга бўйсунмай маросимни ташкиллаштирганлар эса қамоққа олинган. Халқ ўз кўнгилочар тадбиридан айрилишига қаттиқ хафа бўлади. Буни рамзий ифодалаш учун тобутга солинган помидорларга дафн маросими уюштирилади. Қайғули муסיқалар чалган созандалар тобутни кўтарганларга ҳамроҳ бўлишади. Шундан сўнг тадбир яна қайта тикланиди ва унга расмий байрам мақоми берилди, деган маълумотлар ҳам бор. Бошқа бир ҳужжатларда, диктатор ўлимидан сўнг, яъни 1975 йилда байрамни қайта нишонлашга рухсат берилди деб кўрсатилган.

2013 йилгача “Ла Томатина”да иштирок этадиганлар сони 40 – 50 минг нафарни ташкил қиларди. Аммо бу йилдан бошлаб фестивал қатнашчилари сони қисқартирилди ва 20 000 та чипта тарқатилиши шарт қилиб белгиланди. Қатнашчилар сафи камайtirилган бўлса-да, бу “Ла Томатина” жозибасига таъсир қилмаган. Аксинча, уни янада қувноқ тадбирга айлантирган.

Фестивал бир ҳафта, “Помидор жанги” эса бир соат давом этади. Бундан ташқари, турли кўнгилочар кўрғазмалар, концертлар, рақс дастурлари фестивалга янада қувноқлик бағишлайди. Энг қизиқарли тадбирлардан бири “Паэлла” – овқатланиш пойгаси помидорлар улоқтириладиган кундан бир кун олдин ўтказилади.

Байрам санасида 100 тонна атрофда помидор сарфланади. Кўп фаоллар бу қатта озиқ-овқат исрофчиллиги дея маросимни қоралаб чиқишди. Тек-

ширувлар шуни кўрсатдики, Эстремaduraда етиштириладиган бундай помидорлар мазали таъмга эга эмас ва истеъмолдан кўра ташлаб юборишга арзиғулик дея айтилади. Фестивал ўтказиладиган Буньоль шаҳридаги аҳоли бу полиз экинини арзон нарҳларда сотиб олишади ва маросимда ишлатишади.

Тадбир кунни эрталаб шаҳарга юк машиналари қарвони помидорларни олиб келишади. Анъангага кўра, кимдир баланд дарахт тепасига чиқиб олиб биринчи зарбани амалга ошириши ва шу билан “жанг”ни бошлаб бериши лозим бўлади. Ҳеч қанча вақт ўтмай шаҳар кўчалари қизил рангга бўялади. Бир соатдан кейин помидор улоқтириш маросими тугагани ҳақидаги сигнал янграйди. Шундан сўнг ҳамма “жанг”ни тўхтатади. Қатнашчилар ювиниш учун шаҳар яқинидаги дарёга боришади.

Қизил рангга бурканган шаҳарни испанлар “газпачо” таомига ўхшатишади. Буньоль кўчалари помидор қайласига тўлиб кетади. Кўп ўтмай кўчалар шланглардаги сув билан тозаланади. Фестивал ортиқча меҳнат талаб қилса-да, бу шаҳар аҳли ва келувчилар кўнглини завққа тўлдиради. Шунингдек, шаҳарча маросимдан кейинги тозалаш ишлари учун ҳам қўлай жойлашган.

Фестивалдан олдин шаҳар маъмурлари қатнашчиларга бир қанча тавсиялар беришади. Мисол учун, помидордан бошқа нарсга, айниқса, қаттиқ жисм

улоқтирмаслик, қатнашчилар кийимини йиртмаслик, улоқтиришдан олдин помидорни қўлда эзиб олиш каби. Бундан ташқари, улар иштирокчиларга қандай кийим кийиш кераклиги ҳақида ҳам маслаҳат беришади. Масалан, эркаларга кийимнинг фарқи йўқ, муҳими, эскироқ, оёқда эса пойабзал бўлсин дейишса, аёлларга тор спортчилар кийими ёки шортикда, спорт кроссовкасида қатнашишни тавсия қилишади. Шунингдек, помидор шартли кўзга тушмаслиги учун спортчилар кўзойнагини тақиб олиш керак бўлади. Тасвирга олиш воситалари эса уйда қолгани маъқул, чунки помидор сувига бўкиб қолиши мумкин. Телефон ва яна шунга ўхшаш қимматбаҳо буюмлар ҳам уйда қолдирилгани маъқул.

“Помидор жанги”да рақиб танланмайди. Ювиниб бўлгач танада хид қолиши мумкин, аммо у кўп ўтмай йўқолади.

Ташриф буюрувчилар байрам бошланишидан олдин Буньольда Турражой камлиги учун Валенсия, Мадрид ва Барселона шаҳарларида қолишни маъқул қўришади. Байрам кунни эрта тонгданоқ мазкур шаҳарлардан Буньольга бориш учун транспортлар ҳаракати йўлга қўйилади. Улар иштирокчиларни бир зумда фестивал шахрига етказишади.

“Ла Томатина” чипталарига турли компаниялардан, масалан, www.tomatina.es интернет сайти орқали ҳам буюртма бериш мумкин.

Оламғир Абдиев тайёрлади.

МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИС:
«Dildosh media» МЧЖ,
ҳамкор:
Ўзбекистон
Республикаси
Маданият вазирлиги

Бош муҳаррир
Дилхорат Худойбердиева

Тахририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас
Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба кунни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
10.04.2018 й. 0803 рақами
билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқланishi мумкин.

«Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Риҳсиева
Навбатчи: Н. Содикова
Адади: 8566 **Буюртма:** -Г- 627
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табок

Газета “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик компани-
яси босмаҳонасида
чоп этилди.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмаҳонага топшириш
вақти - 22.30
Топширилиди - 21.30
1 2 3 4 5 6